

2-1-2020

FACTORS INFLUENCING EFFICIENCY OF FOOD MARKET (ON THE EXAMPLE OF FERGANA VALLEY)

N. Sotvoldiyev
Namangan State University

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

Recommended Citation

Sotvoldiyev, N. (2020) "FACTORS INFLUENCING EFFICIENCY OF FOOD MARKET (ON THE EXAMPLE OF FERGANA VALLEY)," *International Finance and Accounting*: Vol. 2020 : Iss. 1 , Article 26.
Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2020/iss1/26>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

ОЗИҚ-ОВҚАТ БОЗОРИНИНГ САМАРАЛИ ФАОЛИЯТИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР (ФАРҒОНА ВОДИЙСИ МИСОЛИДА)

Мақолада Фарғона водийси минтақаларининг озиқ-овқат бозорига таъсир этувчи сиёсий, табиий ва ижтимоий-иқтисодий омиллар таҳлил қилинган. Сиёсий омиллар таҳлили асосида трансчегаравий сув ресурслари ва транспорт коридорларидан фойдаланиш билан боғлиқ муаммолар очиб берилган. Табиий омилларни иқтисодий шарт-шароит нуктаи назаридан баҳоланган. Ижтимоий-иқтисодий омиллар билан боғлиқ йўналишлар илмий асосланган.

Калит сўзлар: озиқ-овқат бозори, минтақа, сиёсий омиллар, трансчегаравий, табиий омиллар, ер ресурслари, ижтимоий-иқтисодий омиллар, аҳоли.

ФАКТОРЫ, ВЛИЯЮЩИЕ НА ЭФФЕКТИВНОСТЬ ПРОДОВОЛЬСТВЕННОГО РЫНКА (НА ПРИМЕРЕ ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЫ)

В статье анализируются политические, природные и социально-экономические факторы, влияющие на продовольственный рынок в регионах Ферганской долины. На основе анализа политических факторов были выявлены проблемы, связанные с использованием трансграничных водных ресурсов и транспортных коридоров. Природные факторы оцениваются с экономической точки зрения. Социально-экономические аспекты научно обоснованы.

Ключевые слова: продовольственный рынок, регион, политические факторы, трансграничность, природные факторы, земельные ресурсы, социально-экономические факторы, население.

FACTORS INFLUENCING EFFICIENCY OF FOOD MARKET (ON THE EXAMPLE OF FERGANA VALLEY)

The article analyzes the political, natural and socio-economic factors affecting the food market in the regions of the Fergana Valley. Based on an analysis of political factors, problems associated with the use of transboundary water resources and transport corridors were identified. Natural factors are estimated from an economic point of view. Socio-economic aspects of science-based.

Keywords: food market, region, political factors, cross-borderness, natural factors, land resources, socio-economic factors, population.

КИРИШ

Бозор муносабатлари иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳани ривожлантиришни асосий параметрларини белгилаб беради. Чунки, турли хил манфаатларни боғлаш вазифаси бозор томонидан амалга оширилади. Озиқ-овқат бозори эса бир қатор хусусиятлари билан ажралиб туради. Бу озиқ-овқат

маҳсулотлари “ишлаб чиқариш-истеъмол” тизимининг табиий, биологик, физиологик ва ижтимоий-иқтисодий жараёнларга боғлиқлиги билан изоҳланади. Шунга мос ҳолда ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмининг ортиши ҳам мураккаб муаммо бўлиб, бу минтақаларнинг табиий-иқлим шароитлари, агроресурс салоҳияти ва иқтисодий ривожланишидаги фарқлар билан белгиланади.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, “...озик-овқат хавфсизлиги муаммосини ҳал этиш, генетик модификация қилинган маҳсулотлар етиштирмаслик бўйича қатъий назорат ўрнатишга алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади. Сўнгги йилларда мамлакатимиз бозорларида импорт мева-сабзавот маҳсулотлари кўпайиб бораётгани бизни албатта хушёрликка чақириши керак. Бундай ҳолатнинг олдини олиш учун, аввало, йўқолиб бораётган қадимги навларни тиклаш, селекция ишларини оқилона ва самарали йўлга қўйиш, соҳага илм-фан ютуқлари, инновацион ишланмаларни кенг жорий этишимиз зарур” [1].

Айни пайтда мамлакат минтақаларининг иқтисодий ривожланиш даражалари бўйича сезиларли равишда фарқланиши, табиий-иқлим шароитлари бир хил эмаслиги, миллий меҳнат тақсимоти ва ихтисослашувдаги иштироки туфайли ҳар бир минтақада ўзига хос озиқ-овқат бозори шаклланади. Фарғона водийсининг озиқ-овқат бозори шаклланиши ва ривожланиши, бир томондан Ўзбекистоннинг барча ҳудудларига хос макроиқтисодий омиллар таъсири остида юз берса, иккинчи томондан минтақанинг ўзига хос хусусиятлари бу жараёнга таъсир этади. Шу жиҳатдан Фарғона водийсида озиқ-овқат бозорининг ўзига хос хусусиятларини вужудга келиши сабаблари ва характери бўйича тизимлаштирилган ҳолда ўрганиб чиқиш долзарб аҳамиятга эга.

МАВЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ

Озиқ-овқат бозорига таъсир этувчи омиллар таҳлилида хорижий мамлакатлар, БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти, МДХ мамлакатлари ва Ўзбекистон шароитида олиб борилган тадқиқотларни кузатиш мумкин.

Америка Қўшма Штатларида озиқ-овқат бозорига таъсир этувчи сиёсий омиллар атроф-муҳит ва истеъмолчилар хавфсизлиги билан изоҳланади. Иқтисодий омиллар эса аҳоли даромадлари ва транспорт харажатлари ўзгаришини ўз ичига олади. Ижтимоий омилларда қишлоқ ва шаҳар аҳолисининг соғлом турмуш тарзи эътиборга олинади, чунки соғлом турмуш тарзи озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабнинг ўсишини билдиради. Технологик омилларда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни механизациялаш ва ривожлантириш орқали самарадорликка эришиш кўзда тутилган. Экологик омилларда фақат иқлим ўзгаришларига эътибор қаратилади. Ҳуқуқий омиллар таъсир доирасида АҚШ Қишлоқ хўжалиги департаменти асосий ўрин эгаллайди ва озиқ-овқат маҳсулотларини сотишни тартибга солади, назорат қилади ва баҳолайди [2].

Европа мамлакатларида олиб борилган тадқиқотларда иқлим ўзгариши, сув танқислиги ва цивилизация билан боғлиқ хавфлар, ижтимоий, демографик ва технологик йўналишлар озиқ-овқат бозори фаолиятига таъсир этувчи омиллар сифатида ўрганилган [3]. Шунингдек, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда таваккалчилик омилларига ҳам эътибор қаратилган [4].

Бу борада БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти тадқиқотлари ҳам муҳим аҳамият касб этади ҳамда юқоридаги йўналишлар билан биргаликда гендер омиллари ҳам ўрганилмоқда (эркак ва аёлларнинг қишлоқ хўжалик ерларига эгалик қилишдаги тенгсизликлари миллий озиқ-овқат хавфсизлигини таҳдид остига олиши мумкин) [5].

Россия Федерациясида олиб борилган тадқиқотларда озиқ-овқат бозори фаолиятига таъсир этувчи омиллар бир неча гуруҳларга бўлинган. Жумладан, иқтисодий ўсишга сабаб бўлган, талабга таъсир қилувчи, талаб ва таклифнинг ўзаро таъсирини белгиловчи, тартибга солувчи, ресурсларни тақсимловчи, институционал ва етакчи, табиий-иқлимий, ижтимоий, иқтисодий ва илмий-техник омиллар ўрганилган [6]. Айрим тадқиқотларда озиқ-овқат бозорига таъсир этувчи омилларни инфратузилма таъминоти [7] сифатида талқин этилади. Озиқ-овқат бозорини инновацион ривожланишига таъсир этувчи омилларга ҳам эътибор берилган. Бунда табиий ресурсларни мавжудлиги, илмий салоҳият, минтақавий бозорларнинг йирик ҳажмлари, экологик тоза озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва хўжаликларнинг бозор иқтисодиётига ўтиш имкониятлари рағбатлантирувчи омиллар сифатида тадқиқ этилган [8].

Ўзбекистонда олиб борилган тадқиқотларда озиқ-овқат бозорининг рақобатбардошлик кўрсаткичларига таъсир этувчи табиий, иқтисодий, ташкилий-ҳуқуқий, ташкилий-техник ва технологик характердаги омиллар ўрганилган [9]. Шунингдек, рақобатбардошликни таъминлашнинг ички, ташқи ва аралаш омилларига ҳам эътиборга олинган [10]. Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда рақобат муҳитини ривожлантириш нуқтаи назаридан табиий, меҳнат, технологик ва инвестицион ресурслар ҳамда инфратузилмани омил шароитлари сифатида ўрганилган [11]. Минтақавий озиқ-овқат бозори ривожланишига таъсир этувчи омилларни иқтисодий, илмий-техник, ижтимоий ва табиий-иқлимий каби гуруҳларга бўлинган [12].

Умуман олганда, илмий адабиётлар таҳлили қуйидагиларга асосланади:

- хорижий мамлакатлар ва БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти тадқиқот йўналишларида озиқ-овқат бозорига таъсир этувчи омиллар таҳлили аксарият ҳолларда глобаллашув билан уйғунлашади;
- Россия Федерациясида олиб борилган тадқиқотларнинг ўзига хос хусусиятлари шундаки, озиқ-овқат бозорига таъсир этувчи омилларни кўплаб гуруҳларга бўлинади ва бозор иқтисодиётига ўтиш имкониятлари нуқтаи назаридан таҳлил этилган;
- Ўзбекистон Республикаси олимлари томонидан олиб борилган тадқиқотларда табиий, ижтимоий, иқтисодий ва бошқа омиллар таҳлили рақобатбардошликни таъминлашга қаратилган.

Юқоридаги тадқиқотларда сиёсий омиллар таъсирида табиий ресурсларнинг ўзгариши ҳамда табиий ресурсларни ўзлаштириш имкониятларининг чекланиши етарлича очиб берилмаган. Айниқса, ижтимоий омилларни тадқиқ этиш турлича йўналишларга эга бўлиб, айрим ҳолларда фақат демографик жараёнлар таҳлил этилган.

Бизнингча, ижтимоий омилларни тадқиқ этиш фақат аҳоли сони ва меҳнат ресурслари таҳлили билан чегараланмайди. Демографик тадқиқотлар ишлаб чиқаришни ҳудудий ташкил этиш нуқтаи назаридан олиб борилади. Бу бир томондан, бозордаги талабни акс эттирса, иккинчи томондан минтақанинг мавжуд иқтисодий имкониятларини очиб беради. Бунда ижтимоий омиллар “аҳоли сони – меҳнат ресурслари – иқтисодий салоҳият” тизимида тадқиқ этилади ёки ижтимоий-иқтисодий омиллар деб номланади.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Озиқ-овқат бозорини минтақавий тадқиқ этишда энг аввало, бозор ҳолатига таъсир этиши мумкин бўлган хилма-хил омилларни баҳолаш алоҳида минтақаларда хўжалик юритиш бўйича қабул қилинган қарорнинг бошланғич нуқтаси бўлиши мумкин. Бунда сиёсий, табиий ва ижтимоий-иқтисодий шароитларни эътиборга олмасдан аграр соҳани ислоҳ қилишнинг ягона моделини барча минтақалар учун мажбурлаб жорий этиш мақсадга мувофиқ эмас.

Сиёсий омиллар. Ўзбекистон Республикаси бошқа давлатларнинг суверенлигини эътироф этади, уларнинг ҳудуд ва чегараларини дахлсизлигини ҳурмат қилади. Ўз навбатида бошқа давлатлар билан тинч-тотув яшаш, иқтисодий, маданий, фан-техника, глобал экологик муаммоларни ҳал қилишда ҳамкорлик алоқаларини таъминлайди. Ушбу мақсадларга эришиш учун мамлакатимиз минтақавий сиёсатнинг устувор йўналишлари – ички барқарорликни таъминлаш, ҳудудий меҳнат тақсимотини тўғри ташкил этиш, ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг минтақалараро даражасидаги тафовутларни бартараф этишга алоҳида эътибор берилди. Бу даврда озиқ-овқат хавфсизлиги ва транспорт мустақиллигини таъминлаш зарур бўлди ва Фарғона водийси минтақаларида куйидаги кечиктириб бўлмас чора-тадбирлар амалга оширилди:

- Голландия селекциясининг навли уруғларидан ва Голландия технологияси бўйича картошка етиштиришнинг комплекс модулларидан фойдаланиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил “Картошка етиштиришнинг голландия технологиясини жорий этиш масалалари” тўғрисидаги Қарори қабул қилинди [14]. Бунда картошка етиштиришни комплекс технологияси Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари хўжаликларида жойлаштирилди ва уруғчилик базаси ривожлантирилди.

- озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва бошоқли дон экинларининг мустаҳкам уруғчилик базасини яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил “Андижон вилоятида бошоқли дон экинлари уруғчилигини ташкил этиш масалалари” тўғрисидаги Қарори қабул қилинди [15]. Бунда юқори ғалла

ҳосили олиш технологиясини ишлаб чиқиш, бошоқли дон экинларининг янги ва касалликларга чидамли навлари яратиш ишлари ташкил этилди.

- Қамчиқ давонида реконструкция ишлари олиб борилди ва 2000 йилда ҳалқаро талабларга жавоб берувчи транспорт инфратузилмаси шакллантирилди. 2016 йилда Ангрен – Поп электрлаштирилган темир йўл линиясини фойдаланишга топширилиши Фарғона водийсини Ўзбекистоннинг бошқа минтақалари билан боғлади ва ягона миллий темир йўл тизими яратилди.

Бугунги кунга қадар Ўзбекистоннинг минтақавий сиёсатида Фарғона водийси вилоятларига алоҳида эътибор берилади. Жумладан, аграр соҳада бозор муносабатларини жадаллаштириш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш [16], ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш [17], минтақа саноатининг салоҳиятини ошириш [18], мевасабзавотчиликни кластер усулида ривожлантириш [19], қишлоқ хўжалиги соҳасида илмий-амалий салоҳиятни ривожлантириш [20], минтақанинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилган кўплаб ҳукумат қарорлари қабул қилинмоқда ҳамда чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ушбу чора-тадбирлар хом-ашёга қарамликни камайтиришни кўзда тутувчи диверсификациялаш, юқори улушли қўшилган қийматга эга тармоқларни ривожлантириш ва юқори технологияли ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, иқтисодий ўсиш учун қулай шарт-шароитларни яратиш ва минтақаларнинг инвестицион жозибадорлигини ошириш ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишдаги минтақавий номутаносибликларни камайтириш имконини берди. Натижада Фарғона водийси Ўзбекистон ялпи ички маҳсулотига 17,3 фоиз, саноатида 19,9 фоиз, ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотига 26,4 фоиз, дончиликда 25,1 фоиз, картошкачиликда 30,0 фоиз, сабзавотчиликда 32,4 фоиз ва мевачиликда 43,0 фоиз улушга эга бўлди. Албатта, эришилган натижалар минтақанинг табиий ресурсларига боғлиқ бўлиб, бу давлатнинг минтақавий сиёсатида ўз аксини топмоқда.

Табиий омилларнинг таҳлил марказида минтақанинг иқтисодий салоҳиятига таъсир этадиган ер усти тузилиши муҳим ўрин тутди. Чунки, ер усти тузилишига мос ҳолда табиий ресурслар – иқлим, ер ва сув ресурслари шаклланади ва бу ўз навбатида қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноатининг ривожлантириш имконини беради. Шунингдек, озиқ-овқат маҳсулотларининг таннархи, баҳоси ва ишлаб чиқариш ҳажми минтақанинг табиий ресурсларига боғлиқ ҳолда шаклланади. Табиий ресурсларни ўзлаштириш даражасида иқтисодий ривожланишнинг минтақавий тафовутлари вужудга келади.

Фарғона водийсининг ер усти тузилиши атрофдаги тоғлардан марказга томон пастлаб боради ёки марказдан текислик-адир-тоғ тизимида поғонасимон кўтарилиб боради. Ўзбекистон қисмида жанубдан баланд тоғ ҳудуди учрамайди. Тоғ олди ҳудуди жанубда 0,22 минг км.² ва жанубий шарқда 0,02 минг км.²дан иборат. Шимолда эса текислик-адир-тоғ тизими тўлиқ шаклланган. Текислик қисмини адирлар ярим ёйсимон тарзда ўраб

олган бўлиб, шимолий ва жанубий адирларга бўлиш мумкин. Текисликнинг асосий қисми Сирдарёнинг чап соҳилида жойлашган.

Фарғона водийсининг Ўзбекистон қисмида жами текислик 7,25 минг км.², адирлик 6,96 минг км.², адирорти ботиқлари 2,99 минг км.², тоғ олди 0,64 минг км.² ва тоғ ҳудуди 0,56 минг км.²ни ташкил этади. Умумий ҳолда Фарғона водийсининг ер усти тузилиши қишлоқ хўжалиги ва қайта ишлаш саноатини жойлаштириш учун ижобий баҳоланади. Маъмурий минтақаларга бўлиб ўрганиш эса ишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш, нарх белгилаш ва бозорнинг динамик мувозанатини таъминлаш муаммоларини очиб беради. Фарғона водийсининг ер усти тузилиши маъмурий жиҳатдан турлича тақсимланган. Андижон вилоятининг умумий ер майдонида текислик қисми 45,7 фоизни, адир 15,7 фоизни, адирорти 38,1 фоизни ва тоғ олди 0,5 фоизни ташкил этади. Фарғона вилоятининг умумий ер майдонида текислик қисми 50,9 фоиз, адир 32,8 фоиз, адирорти 13,0 фоиз ва тоғ олди 3,3 фоиздан иборат. Наманган вилоятининг ер усти тузилиши эса нотекислиги билан ажралиб туради. Сирдарёнинг ўнг соҳили текисликлари энсиз ва ер усти зинапоясимон адир-тоғ тизимида кўтарилиб боради. Бу ҳудудда Наманган вилоятининг 6,04 минг км.² ёки 81,2 фоизи жойлашган бўлиб, текислик қисми 0,49 минг км.²ни ташкил этади холос. Асосий текисликлар Норин дарёси ва Сирдарёнинг чап соҳилида жойлашган. Норин дарёсининг чап соҳилида Учқўрғон (0,29 минг км.²) ва Норин (0,21 минг км.²) туманлари паст-баланд текисликда ҳамда Сирдарёнинг чап соҳилида Мингбулоқ (0,74 минг км.²), Поп туманининг кичик қисми (0,16 минг км.²) текисликда жойлашган ёки жами текислик 1,89 минг км.²ни ташкил этади. Наманган вилоятининг умумий ер майдонида текислик қисми 25,4 фоиз, адир 54,8 фоиз, адирорти 6,9 фоиз, тоғ олди 5,4 фоиз ва тоғ ҳудуди 7,5 фоиздан иборат (1-жадвал).

1-жадвал

Фарғона водийси минтақаларининг ер усти тузилиши [23]

Суратда жами ер майдони, минг км.²

Махражда жами ер майдонига нисбатан улуши, фоиз

№	Минтақа	Фарғона водийси	Шу жумладан		
			Андижон вилояти	Наманган вилояти	Фарғона вилояти
1	Текислик	$\frac{7,25}{39,4}$	$\frac{1,92}{45,7}$	$\frac{1,89}{25,4}$	$\frac{3,44}{50,9}$
2	Адир	$\frac{6,96}{37,8}$	$\frac{0,66}{15,7}$	$\frac{4,08}{54,8}$	$\frac{2,22}{32,8}$
3	Адирорти	$\frac{2,99}{16,3}$	$\frac{1,6}{38,1}$	$\frac{0,51}{6,9}$	$\frac{0,88}{13,0}$

4	Тоғ олди	$\frac{0,64}{3,5}$	$\frac{0,02}{0,5}$	$\frac{0,4}{5,4}$	$\frac{0,22}{3,3}$
5	Тоғ	$\frac{0,56}{3,0}$	$\frac{0}{0}$	$\frac{0,56}{7,5}$	$\frac{0}{0}$
	Жами	$\frac{18,4}{100}$	$\frac{4,2}{100}$	$\frac{7,44}{100}$	$\frac{6,76}{100}$

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, минтакаларда адирлар улушининг юқорилиги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини камайишига олиб келган. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, Андижонда адирлар улуши 15,7 фоиз, Фарғонада 32,8 фоиз ва Наманганда энг юқори кўрсаткич 54,8 фоизни ташкил этади. Фарғона водийси бўйича ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш қиймати 52672,0 млрд. сўмни ташкил этган ҳолда Андижон 41,2 фоиз, Наманган 27,6 фоиз ва Фарғона 31,1 фоиз улушга эга бўлмоқда [21].

Юқоридаги таҳлиллар Фарғона водийси вилоятлари иқтисодий салоҳиятига таъсир этувчи табиий омиллар ва уни ўзлаштириш имкониятларида сақланиб қолаётган минтақавий фарқларни илмий асослашга имкон беради. Шунинг учун озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга қаратилган ҳудудий ихтисослашув йўналишларини белгилашда табиий ресурсларни иқтисодий шарт-шароит нуқтаи-назаридан баҳолаш зарур.

Фарғона водийсида суғориладиган ерларнинг умумий майдони 764,6 минг гектарни ташкил этиб, Андижон вилоятида 232,8 минг гектар, Наманган вилоятида 234,9 минг гектар ва Фарғона вилоятида 296,9 минг гектардан иборат. Фарғона водийсида кадастр гуруҳлари бўйича ёмон ерлар учрамайди ҳамда суғориладиган тупроқларнинг асосий қисмини ўртачадан паст ерлар (118,8 минг гектар), ўртача ерлар (330,5 минг гектар), яхши ерлар (282,9 минг гектар) ва энг яхши ерлар (32,12 минг гектар) ташкил этади. Минтақалар кесимида 21-40 бонитет балга эга ерлар Андижон вилоятида жуда оз миқдорни ташкил этса, Наманган вилоятида 81-100 бонитет балга эга ерлар юқори кўрсаткичга эга. Ўртача бонитет бўйича Андижон 57,5 бал, Наманган 60 бал ва Фарғона 56 бални ташкил этади. Ўзбекистон Республикаси бўйича 91-100 бонитет балга эга ерлар 2,0 минг гектардан иборат бўлиб, асосий қисми (1,82 минг гектар ёки 91,0 фоизи) Фарғона водийсида жойлашган. Умуман, Фарғона водийси бўйича ўртача бонитет 57,8 бални ташкил этган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг ўртача кўрсаткичларидан юқори ҳисобланади (2-жадвал).

2-жадвал

**Фарғона водийсининг суғориладиган ерлари ва унинг сифат баҳоси
(2018 йил, минг гектар) [22]**

Кадастр гуруҳлари	Бонитет бали	Ўзбекистон	Фарғона водийси	Шу жумладан		
				Андижон	Наманган	Фарғона

				ВИЛОЯТИ	ВИЛОЯТИ	ВИЛОЯТИ
Ёмон ерлар	0-10	0	0	0	0	0
	11-20	0,5	0	0	0	0
	жами	0,5	0	0	0	0
Ўртачадан паст	21-30	69,1	10,9	0,8	4,6	5,5
	31-40	588,0	107,9	22,3	41,1	44,5
	жами	657,1	118,8	23,1	45,7	50,0
Ўртача ерлар	41-50	1094,4	179,8	51,6	48,8	79,4
	51-60	853,3	150,7	52,8	39,3	58,6
	жами	1947,7	330,5	104,4	88,1	138,0
Яхши ерлар	61-70	718,5	183,4	62,7	46,5	74,2
	71-80	272,7	99,5	36,6	33,6	29,3
	жами	991,2	282,9	99,3	80,1	103,5
Энг яхши ерлар	81-90	71,1	30,3	5,8	19,2	5,3
	91-100	2,0	1,82	0,07	1,7	0,05
	жами	73,1	32,12	5,87	20,9	5,35
Жами ерлар		3669,6	764,6	232,8	234,9	296,9
Ўртача бонитет бали		55	57,8	57,5	60	56

Маълумки, ер ресурслари тарқоқ ҳолда ёки ҳудудий кўлам ва майдонларда доимий, ўзгармас жойлашиш тартибига эга. Шунга мос равишда қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноати жойлашади ва мавжуд минтақаларнинг ихтисослашув йўналишлари белгиланади. Лекин, Фарғона водийсининг ер ресурслари жойлашган ўрнига қараб бир-биридан кескин фарқ қилади ва Ўзбекистонда ягона ҳисобланади. Ушбу ҳолатни нафақат вилоятда, балки алоҳида маъмурий туманларда ҳам кузатиш мумкин. Чунки, ер усти тузилишига боғлиқ ҳолда тупроқ, сув ва иқлим шароитлари шаклланган ҳамда қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигига бевосита таъсир этади. Жумладан, Андижон вилоятида буғдой, сабзаёт ва мева етиштиришдаги ҳосилдорлик юқори кўрсаткичларга эга. Мева ва сабзаёт ҳосилдорлиги бўйича энг юқори кўрсаткич нафақат водийда, балки республикада ҳам биринчи ўринда туради. Фарғона вилоятида эса картошка ва узумнинг юқори ҳосилдорлиги сақланиб қолмоқда ҳамда буғдой, сабзаёт ва мева етиштиришдаги ҳосилдорлик бўйича Андижон вилоятидан кейинги ўринда туради. Наманган вилоятида фақат полиз ҳосилдорлигининг юқори кўрсаткичини кузатиш мумкин.

Одатда ердан фойдаланишни ҳудудий ташкил этиш аҳоли манфаатларидан келиб чиқиб шакллантирилади. Фарғона водийсида ердан фойдаланишнинг табиий шароитлари билан бирга демографик хусусиятлар ҳам ҳисобга олинishi керак. Чунки, ер ресурсларининг чекланганлиги табиий равишда аҳоли жон бошига тўғри келадиган экин майдонларининг камайиб боришига олиб келади. Янги ерларни ўзлаштириш жуда қимматга тушишидан ташқари унумдорлиги ҳам юқори бўлмайди. Бу борада ер ресурсларининг

тузилиши ва таркиби, ердан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш каби чоратадбирларини ишлаб чиқиш зарур.

Ижтимоий-иқтисодий омиллар. Озиқ-овқат бозори энг аввало, ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этади ва шунга хизмат қилиши лозим. Озиқ-овқат бозори хажмининг кенгайиши ва сифат кўрсаткичларининг ўзгариши аҳолининг талабига ҳамда иқтисодиётнинг ривожланиш даражасига тўғридан-тўғри боғлиқ. Шу жиҳатдан озиқ-овқат бозорини ривожлантириш йўналишлари аҳоли фаровонлигига қаратилган.

Фарғона водийси аҳолисининг жойлашишида суғорма деҳқончилик асосий ўрин тутган. Шунинг учун аҳолининг такрор барпо бўлиши ва бандлиги озиқ-овқат бозорига таъсир этувчи ижтимоий-иқтисодий омилларни мукамал ўрганишга асос бўлади. Минтақа иқтисодиётининг мужассамлашган кўрсаткичи ҳам аҳоли сонидан келиб чиқади.

Фарғона водийсининг демографик ривожланиши бир қатор хусусиятлар билан ажралиб туради. Энг аввало, бу ерда аҳоли сонининг ўсиш суръати юқори, лекин ижтимоий-иқтисодий тараққиёт даражаси билан боғлиқ ҳолда вилоятларда бир мунча фарқ кузатилади. Жумладан, Андижон ва Наманган вилоятларига нисбатан Фарғона вилоятида аҳоли сони ва унинг ўсиш суръати юқори кўрсаткичга эга. 1990-2000 йилларда аҳоли сони Андижонда 472,5 минг, Наманганда 401,4 минг ва Фарғонада 482,9 минг кишига, 2010-2018 йилларда мос равишда 394,4 минг, 373,2 минг ва 453,9 минг кишига ўсди ёки ҳар 10 йилда Фарғона водийсида аҳоли ўртача 1,3-1,4 млн. кишига кўпаймоқда (3-жадвал).

3-жадвал

Фарғона водийси аҳолиси сони ўсиши динамикаси (минг киши) [21]

Минтақа	1990 йил	2000 йил	2010 йил	2018 йил	Ўсиш суръати		
					2000 й.да 1990 й.га нисбатан	2010 й.да 2000 й.га нисбатан	2018 й.да 2010 й.га нисбатан
Андижон	1789,0	2216,5	2672,3	3066,7	427,5	455,8	394,4
Наманган	1551,8	1953,2	2379,5	2752,7	401,4	426,3	373,2
Фарғона	2214,6	2697,5	3229,2	3683,1	482,9	531,7	453,9
Фарғона водийси	5555,4	6867,2	8281,0	9502,5	1311,8	1413,8	1221,5

Шунингдек, демографик жараёнга мос равишда меҳнатга яроқли аҳоли ҳиссасининг доимий ортиб бориши кузатилади. Меҳнат ресурслари 1990 йилда 2738,5 минг киши, 2000 йилда 3431,8 минг киши, 2010 йилда 4736,0 минг киши ва 2018 йилда 5302,8 минг кишинини ташкил этди. Меҳнат ресурсларининг ўсиш суръати 1990-2000 йилларда 693,3 минг киши, 2000-2010 йилларда энг юқори кўрсаткич – 1304,2 минг киши ва 2010-2018 йилларда 566,8 минг кишини ташкил этди (4-жадвал).

4-жадвал

**Фарғона водийсида меҳнат ресурсларининг ўсиши динамикаси
(минг киши) [21]**

Минтақа	1990 йил	2000 йил	2010 йил	2018 йил	Ўсиш суръати		
					2000 й.да, 1990 й.га нисбатан	2010 й.да, 2000 й.га нисбатан	2018 й.да, 2010 й.га нисбатан
Андижон	897,5	1140,3	1561,2	1722,2	242,8	420,9	161,0
Наманган	746,3	961,0	1350,6	1549,5	214,7	389,6	198,9
Фарғона	1094,7	1330,5	1824,2	2031,1	235,8	493,7	206,9
Фарғона водийси	2738,5	3431,8	4736,0	5302,8	693,3	1304,2	566,8

Ушбу жараёнларни бир неча сабаблар билан изоҳлаш мумкин. Жумладан, 1960-70 йилларда бошланган саноат ва қишлоқ хўжалигидаги туб иқтисодий ислохотлар аҳоли кўпайиши учун муайян шарт-шароитларни яратди. 1970 йил бошларидан собиқ Иттифоқ миқёсида амалга оширилган ва туғилишни рағбатлантиришга қаратилган демографик сиёсат аҳоли сони ўсишига кучли туртки берди. 1980-1990 йилларда туғилиш ва аҳоли сонининг умумий ўсиш тенденцияси сақланиб қолди. 1980 йилда ҳар 1000 кишига туғилганлар сони 33,7 кишини ташкил этган бўлса, 1990 йилда 34,6 кишидан иборат бўлди [13, Б. 38-39]. Туғилганлар сони 1991 йилда 201,0 минг кишидан 2001 йилда 135,9 минг кишигача пасайиб борди. Аҳолининг табиий ўсиши 1991 йилда 166,3 минг кишини ташкил этган бўлса, 2001 йилда 101,7 минг кишига тушиб қолди [21]. Бу жараён бир томондан 1991 йилда собиқ Иттифоқнинг мустақил давлатларга бўлиниб кетиши ҳамда давлатлараро миграцион ҳаракатларнинг кучайиши, 1991-1996 йилларда депортация қилинган халқларнинг ўз ватанларига қайтиши, иккинчи томондан ижтимоий-иқтисодий қийинчиликлар билан чамбарчас боғлиқдир. Демак, 1980-1990 йиллардаги туғилишнинг юқори кўрсаткичлари 2000-2010 йилларга ўз таъсирини кўрсатди ёки меҳнат ресурсларининг юқори кўрсаткичи кузатилди. 1990-2000 йиллардаги туғилганлар сонининг пасайиб бориши эса 2010-2018 йилдаги меҳнат ресурслари сонига чамбарчас боғлиқ.

Фарғона водийсининг демографик таҳлилида минтақаларнинг иқтисодий мужассамлашувини очиқ бериш мумкин. Жумладан, мужассамлашув маълум бир тармоқнинг ривожланганлик даражасини белгилайди. Бу тармоқ улушини аҳоли улушига нисбати билан ҳисобланади ва иқтисодий мужассамлашув индексини билдиради. Масалан, Ўзбекистон Республикаси сабзавот ишлаб чиқаришида Фарғона водийсининг улуши 32,4 фоизни ташкил этади ва аҳолининг 28,6 фоизи жойлашган. Ушбу кўрсаткичларнинг нисбати бўйича индекс 1,13 тенг. Демак, индекс 1 дан юқори бўлса мазкур ишлаб чиқариш тармоғи иқтисодий мужассамлашган бўлади (5-жадвал).

**Фарғона водийси минтақаларининг мужассамлашув
индекси (2018 йил) [21]**

№	Маҳсулот тури	Фарғона водийси	Шу жумладан		
			Андижон вилояти	Наманган вилояти	Фарғона вилояти
1	Дон	0,88	1,00	0,88	0,77
2	Картошка	1,05	1,28	1,06	0,84
3	Сабзавотлар	1,13	1,74	0,94	0,78
4	Полиз	0,49	0,77	0,46	0,30
5	Мевалар	1,50	2,39	1,16	1,03
6	Узум	0,74	0,53	0,83	0,84
7	Гўшт тирик	0,65	0,65	0,70	0,62
8	Сут	0,87	0,96	0,78	0,87
9	Тухум	0,77	0,91	0,87	0,59

Фарғона водийси бўйича картошка, сабзавот ва мевалар ишлаб чиқариш иқтисодий мужассамлашган. Минтақалар кесимида Андижон вилоятининг дон, картошка, сабзавот ва юқори даражада мева ишлаб чиқариш тармоғи ривожланганлигини кузатиш мумкин. Наманган вилоятида картошкачилик ва мевачилик, Фарғона вилоятида фақат мевачилик тармоғи иқтисодий мужассамлашган. Ушбу мужассамлашув индекси ишлаб чиқариш салоҳиятини аҳолининг сонидан келиб чиқиб таҳлил қилиш имкониятини беради. Бундай ёндашув озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ихтисослашган зоналарини ташкил этишда, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноатининг қулай зоналарда жамланишига қаратилган илмий-амалий таклифлар ишлаб чиқишда долзарб аҳамият касб этади.

Умуман олганда, Фарғона водийси озиқ-овқат бозорига таъсир этувчи омиллар таҳлили куйидаги ижтимоий-иқтисодий натижаларга асосланади:

- озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш нуқтаи назаридан Фарғона водийсининг алоҳида ҳудудлари ўзига хос бўлган табиий ва тарихий-анъанавий устунликларга эга. Фарғона водийсининг Ўзбекистонга тўғри келадиган ҳудудларида тоғлар улуши Қирғизистон ёки Тожикистонга нисбатан камроқ, лекин минтақа ҳудудининг салмоқли қисми тоғолди ҳудудларидан иборат ва айнан уларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши устун даражада озиқ-овқат йўналишига эга;
- Фарғона водийсининг замонавий логистика тизимларида автомобил транспорти билан бир қаторда темир йўл транспорти ҳам муҳим ўрин эгаллаши лозим. Фарғона водийсида темир йўллар зичлиги юқори даражада. Лекин, темир йўлларни йирик корхоналар ва юк қабул қилувчиларга яқинлаштириш мақсадга мувофиқ бўлади;
- Фарғона водийсининг табиий-иқлим шароитлари озиқ-овқат бозорига таклиф этиладиган асосий маҳсулотлар турларини ишлаб чиқаришга имкон беради. Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг асосий ресурси суғориладиган ерлардан иборат;

- ер ресурсларининг асосий қисмини пахта ва буғдой эгаллаётган бўлсада, харидоргир ва ташқи бозорларда талаб юқори бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш натижасида сабзавотчилик ва мевачилик (айниқса интенсив боғлар) жадал кенгайиб бормоқда;
- туғилиш кўрсаткичи бир томондан аҳоли сони ўсишини билдирса, иккинчи томондан иш билан бандликка катта таъсир кўрсатади. Чунки, аёллар вақтинчалик ишчи кучи сафидан чиқади. Шу сабабли Фарғона водийсида туғилишнинг юқори кўрсаткичи аёллар иш билан бандлигига таъсир қилувчи бош омиллардан бири ҳисобланади;
- минтақа иқтисодиётида қишлоқ хўжалиги тармоғининг юқори улуши меҳнат ресурсларининг табиий омилларга юқори даражада боғлиқлигини келтириб чиқаради. Ноқулай келган об-ҳаво шароити қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмига салбий таъсир кўрсатади, озиқ-овқат саноати тармоқларининг тўла қувватда ишламаслиги ва ишчиларнинг қисқаришига олиб келади. Фарғона водийсининг қишлоқ жойларида мавжуд юқори даражадаги мавсумий ишсизлик ҳолати ҳам айнан табиий шароит билан чамбарчас боғлиқ;
- Фарғона водийсида озиқ-овқатнинг ҳудудий ички бозори сиғими йил сайин кенгайиб бориш хусусиятига эга. Бозор ҳажми талаб бўйича ҳам, таклиф бўйича ҳам кенгайиб бормоқда. Бозор талаби аҳоли даромадлари юксалиши ва қайта ишлаш корхоналари тез ривожланиши билан боғлиқ бўлса, бозордаги таклиф кейинги йилларда аграр секторнинг фермер ва деҳқон хўжаликлари билан бир қаторда таморқа хўжалигини қўллаб-қувватлашга эътибор қаратилаётганлиги билан боғлиқ;
- ҳозирги пайтда қишлоқ хўжалигида етиштирилаётган озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш қувватлари етарли даражада ривожланмаган, кўплаб янги корхоналар барпо этилаётган бўлсада, бу борадаги ишларни янада жадаллаштириш лозимлиги яққол намоён бўлмоқда.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Фарғона водийси озиқ-овқат бозорига таъсир этувчи омиллар таҳлили ва унинг натижалари асосида қуйидаги илмий-амалий хулосаларни ишлаб чиқиш мумкин:

- озиқ-овқат бозори иқтисодиётнинг ҳолати ва жамиятнинг ижтимоий барқарорлигига жиддий таъсир кўрсатади. Шу жиҳатдан омилли боғланишларни ўрганиш асосида озиқ-овқат бозорининг ривожланиш йўналишлари ишлаб чиқилади;
- минтақавий даражада омиллар таркиби ва уларнинг нисбати сезиларли ўзгаради. Минтақавий озиқ-овқат бозорининг самарали фаолиятига сиёсий, табиий ва ижтимоий-иқтисодий омиллар кучли даражада таъсир этади;
- давлат сиёсати таъсирида шаклланган умумий иқтисодий ҳолат, табиий ресурслардан фойдаланиш имкониятлари ва ишлаб чиқариш кучларини

аҳолининг сонидан келиб чиқиб таҳлил қилиш минтақавий озиқ-овқат бозоридаги реал ҳолатни баҳолашга имкон беради.

Фарғона водийсида озиқ-овқат бозорини ривожлантириш юзасидан қўйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- кишлок хўжалиги ва озиқ-овқат саноатининг қулай зоналарда жойлаштириш. Бу саноатнинг ривожланиши, меҳнат сарфининг қисқариши, ҳосилни йиғиб олишда механизациялашув, маҳсулот нобудгарчилиги ва сотиш харажатларининг камайишига олиб келади;
- озиқ-овқат маҳсулотлари муайян турини ишлаб чиқариш бўйича ихтисослашган зоналарни ташкил этиш;
- озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ихтисослашган зоналарини ташкил этишда табиий ресурслардан мақсадли фойдаланиш;
- озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини чеклайдиган минтақавий омиллар ва таркибий номутаносибликларни аниқлаш;
- озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг салоҳиятли заҳираларини аниқлаш;
- минтақанинг ҳудудий мужассамлашув кўлами ва умумий ихтисослашувининг қулайлик даражасини баҳолаш;
- аҳолининг сони ва прогнози асосида озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ҳудудий кластерини яратиш ва унинг таркибини такомиллаштириш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. <http://www.uza.uz/oz/documents/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-22-12-2017>.
2. Andrew Thompson (2018). Whole Foods Market External Factors & Consequences. <http://panmore.com/whole-foods-market-external-factors-consequences>.
3. Grzegorz Dybowski, Anna Bugała. Global Food Market – New Factors Influedevelopment/ Agrofor International Journal, Vol. 1, Issue № 2, 2016. p. 18. <https://www.researchgate.net/publication/311545807>.
4. Баранов Е. Совершенствование стратегического управления в аграрном секторе Республики Молдова: Автореф. дис. ... док. экон. наук.- Кишинев: Национальный институт экономических исследований, 2017. – С. 8.
5. New FAO database eyes gender gap in land rights. <http://www.fao.org/news/story/ru/item/40114/icode>.
6. Шардан С.К. Пространственно-функциональная асимметричность развития агропродовольственного рынка региона и методологические аспекты ее разрешения: Автореф. дис. ... док. экон. наук.-Нальчик: Северо-Кавказская государственная гуманитарно-технологическая академия, 2015. – С. 15-16.

7. Улезько А.В., Пашина Л.Л. Рынок продовольственных ресурсов в системе обеспечения продовольственной безопасности Дальнего Востока. Монография.-Воронеж: Воронежский ГАУ, 2014. - 291 с.
8. Голубев А.В. Основы инновационного развития российского АПК. Монография.-М.: РГАУ-МСХА, 2015. – С. 25.
9. Салимов Б.Т., Юсупов М.С., Юсупов А.С. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг рақобатбардошлиги ва экспорт салоҳиятини ошириш омиллари// Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар илмий электрон журнали. № 6, 2014.
http://iqtisodiyot.tsue.uz/sites/default/files/maqolalar/16_B_Salimov.pdf
10. Шарипов Т.С. Овқатланиш хизматлари бозорида рақобатбардошлик масалалари// “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 1, 2017.
http://iqtisodiyot.tsue.uz/sites/default/files/maqolalar/17_Sharipov.pdf
11. Халилов Н.Х., Азимов Ж.Д. Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарда рақобатбардошлик муҳитини ривожлантириш// “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 2, 2011.
http://iqtisodiyot.tsue.uz/sites/default/files/maqolalar/24_N.X.Xalilov.pdf
12. Абдуллаев А.Г. Факторы, влияющие на развитие регионального рынка продовольственных товаров.
https://confer.mephi.ru/archive/Lomonosov_2008/27_2.pdf
13. Абдуллаев О. Фарғона водийси: ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнлари. Монография.- Наманган: НамДУ, 2000. – Б. 8-10.;
14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 6 июлдаги “Картошка етиштиришнинг голландия технологиясини жорий этиш масалалари” тўғрисидаги 347-сонли Қарори. <http://lex.uz/docs/769845>
15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 25 декабрдаги “Андижон вилоятида бошоқли дон экинлари уруғчилигини ташкил этиш масалалари” тўғрисидаги 458-сонли Қарори. <http://lex.uz/docs/1640310>
16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 29 июлдаги “1998-2000 йиллар даврида Наманган вилоятида бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида”ги 319-сонли Қарори.
<http://lex.uz/docs/1605279>
17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 14 февралдаги “Марказий Фарғонанинг ҳайдаладиган ерлари мелиоратив тармоқларини яхшилаш” инвестиция лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-794-сонли Қарори. <http://lex.uz/docs/1346592>
18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 14 августдаги “2009-2012 йилларда Наманган вилоятида саноатни ривожлантириш ва ишлаб чиқаришни модернизация қилиш дастури тўғрисида”ги 232-сонли Қарори. <http://lex.uz/docs/1530923>
19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 21 сентябрдаги “Андижон вилоятида мева-сабзавотчиликни кластер усулида

ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 752-сонли Қарори. <http://lex.uz/docs/3969018>

20. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 22 октябрдаги “Фарғона вилоятида томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш ва қишлоқ хўжалиги соҳасида илмий-амалий салоҳиятни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 846-сонли Қарори. <http://lex.uz/docs/4013406>
21. www.stat.uz – Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси сайти;
22. www.ygk.uz – Ўзбекистон Республикаси ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри бўйича Давлат қўмитаси сайти;
23. <https://www.google.com/maps/@40.8036628,71.3591798,8.76z/data=!5m1!1e4?hl=ru> маълумотлари асосида тузилган.